

Мен умримни шу халққа тикканман!

Худо менга соғлиқ бериб, умр берса, бизда камбағаллик ва ишсизлик бўлмайди. Нимага десангиз, бунга мен етти йил умримни тикдим. Тизим яратдим, қонун яратдим, дунёни очиб бердим. Халқим яхши яшасин, ниятлари амалга ошсин, болалари бахтли бўлсин, неваралари соғлом туғилсин, мактаби ишласин, йўллари равон бўлсин деб ишга келдим.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

2024 йил, апрель

2024-йил
17-апрел
chorshanba
№ 48 (4956)

Ishonch

Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

• O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

Иқлим

**ҲАФТА
ОХИРИДА
ҲАРОРАТ
КЎТАРИЛАДИ**

**18-19 апрель
кунлари**

Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида кам булутли об-ҳаво бўлади, ёғингарчилик кутилмайди. Ҳаво ҳарорати аста-секин кўтарилади ва ҳафта охирига бориб

+25...+28

даражага, шимолда ва жанубда

+29...+31

даражага етади.

МЕҲНАТНИНГ МУНОСИБ ЭЪТИРОФИ


Мамлакатимизнинг тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат қилаётган касба уюшмаларининг бир гуруҳ фаоллари «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишони билан тақдирланишди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов, «Нуроний» жамғармаси раиси Содикжон Турдиев ва унинг биринчи ўринбасари Шароф Убайдуллаев, Федерация масъул раҳбар ҳамда ходимлари иштирок этишди.

Машварат асноси сўз олганлар, нуронийлар, меҳнат фахрийлари кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик учун давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга чуқур миннатдорлик изҳор этишди. Бундан кейинги фаолиятда ҳам Ватан ва миллат шарафи йўлида хизмат қилажакларини таъкидлашди.

– Фурсатдан фойдаланиб, биз, кексаларнинг меҳнатини қадрлаб, уларнинг кўнглини кўтараётгани учун Президентимизга ўз ташаккуримни билдираман, – деди Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбасари Абдуғаффор Солихов.

– Мамлакатимизда «Инсон қадри учун» тамойилининг амалдаги ифодаси ҳар қадамда намоён бўлмоқда, – деди Ўзбекистон касба уюшма-



лари Федерацияси Меҳнат инспекцияси бошлиғи, раис ўринбасари Қобилжон Қирғизалиев. – Хусусан, бунинг исботини ўз ҳаётимда кўрялман. Камтарона меҳнатимиз юқори баҳоланиб, мана шундай юксак мартабага кўтарилган, эътироф этилган

нимдан бениҳоя шодман. Шу тобда қувончимни сўз билан ифодалаб беришим мушкул. Ғамхўрлик ва эътибор учун ташаккур айтаман.

Ғулумжон МИРАҲМЕДОВ
«ISHONCH»

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган қисқа рақамли

12 11

«Ишонч телефони», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.

Эҳтиром

Саҳифаларда ўқинг...

**Ўзанлар
хавф остида
қолмайди(ми?)**



3

**ҚАДРИЯТЛАРГА
ЧАНГ СОЛМАНГ!**



4

Статистика

**ЎЗБЕКИСТОН
АҲОЛИСИ ҚАРИЙБ
37 000 000 га
ЕТДИ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг маълум қилишича, 2024 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, Ўзбекистоннинг доимий аҳолиси сони

36 963 262

кишини ташкил этган.

16 апрелга келиб эса бу миқдор

36 990 128

нафарга етган.

2024 йилнинг ҳар бир кунда доимий аҳоли сони ўртача **1,8 минг** кишига кўпаймоқда.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон аҳолиси сони 2022 йилнинг декабрида 36 миллионлик маррадан ўтганди.

www.ishonch.uz

ishonch1991@yandex.uz

<https://www.facebook.com/ishonch.gazetasi>

<https://t.me/ishonchgaz>

Жиззах вилояти

Маълумки, COVID-19 пандемияси даврида шифокорларнинг катта хатар ва зўриқиш билан ишлашлари назарда тутилиб, бу офатга қарши кураш тадбирларига жалб этилган тиббиёт ходимлари иш ҳақларига устамалар тўлаш ва бошқа имтиёзлар белгиланганди. Ўша пайтдаги оғир вазиятда кўпчилик тиббиёт ходимлари меҳнат таътилида ҳам ишлашга мажбур бўлишганди.

Касаба уюшма аралашгач...

Қўшимча тўловлар ундирилди

Бироқ айрим муассасалар маъмуриятларининг айби билан фавқулодда вазиятларда ишлаган даврлари учун қонуний ҳақларини тўлиқ ололмаган тиббиёт ходимлари ҳам бор экан. Касаба уюшма ташкилотлари томонидан олиб борилаётган жамоатчилик назорати давомида шундай ҳолатлар кўзга ташланиб қолаётир.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Жиззах вилояти бўйича меҳнат инспекторлари Ш.Шербеков ҳамда О.Раҳматов томонидан режа жадвал асосида ўтказилган текширув давомида Дўстлик тумани санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимида шундай қоида бузилиши содир этилгани аниқланди. Хусусан, бўлимда COVID-19 пандемияси даврида тиббий-профилактик тадбирларга жалб этилган ходимлардан 21 нафарига навбатдаги ва 27 нафарига қўшимча меҳнат таътил пуллари ҳозиргача тўланмай келинган. Шунингдек, 3 нафар қоровулга тунги сменада ишлагани учун қўшимча ҳақ берилмаган.

Касаба уюшма меҳнат инспекторлари ушбу ходимларнинг манфаатларини тегишли тартибда ҳимоя қилиб киритган даъво аризаси фуқаролик ишлари бўйича Дўстлик туманлараро судида кўриб чиқилиб, адолат қарор топди.

Суднинг ҳал қилув қарорлари билан мазкур 21 нафар ходимга COVID-19 пандемияси даврида фойдаланилмаган таътил учун 15 миллион 327 минг сўм, 27 нафар ходимга зарарли иш ўринларида ишлаганлиги учун берилмасдан қолган қўшимча меҳнат таътиллари учун 51 миллион 172 минг ҳамда бўлимининг 3 нафар қоровулига тунги сменада турганлик учун 14 миллион 576 минг сўм, жами 51 нафар ходимга 81 миллион 77 минг сўм миқдоридagi пул маблағлари ундириб берилди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ

«ISHONCH»

Сурхондарё вилояти

СОХТАЛАШТИРИЛГАН БАЁННОМА ҲАВҒОСИ

Ўтган йили ёзда Узун туманидаги 56-умумтаълим мактабида ажабтовур воқеа рўй берди. Ушбу ўқув даргоҳининг бошланғич касаба уюшмаси 25 августда сўнгги вақтларда гўёки ишга тўлиқ келмаган 20 нафар педагогининг меҳнат ҳақларини қисқартириш ҳақида йиғилиш баённомаси расмийлаштирди. Сўнгра муаллимларни оғохлантирмасдан, август оий табелини илова қилган ҳолда, уни туман мактабгача ва мактаб таълими бўлимининг марказлашган бухгалтериясига топширди. Устозларга шу асосда маош тўланди.

Табиий, бу жамоада ҳақли эътирозларни келтириб чиқарди. Улар аввалига «Раҳбарлар хатоларини англаб етиб, меҳнат ҳақимизни беришар» деган илинжда куттишди. Аммо, орадан салкам беш ой ўтса ҳамки, талаблари қондирилмади. Сабр косалари тўлиб-тошгач, фаол муаллими Гулгуна Абдуназарова ҳамкасблари номидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига арз қилиб, муаммони қонуний ҳал этишда ёрдам сўради.

Шу асосда олиб борилган ўрганишлар жараёнида баённомани тўлдиришда сохтакорликка йўл қўйилгани аниқланди. Зеро, бир қарашда, бу ҳужжатга бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси, мактаб директори, унинг маънавий-маърифий ва ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосарлари ҳамда 4 нафар касаба уюшма кўмитаси аъзоси имзо чеккандек туюлади. Аслида-чи?..

Баённомада исм-шарифлари қайд этилганларнинг тушунтириш хатларида таъкиланишича, улар касаба уюшма кўмитаси раиси М.Қосимова баённома расмийлаштирганидан ва йиғилиш кун тартибидан хабардор бўлмаганлар, ходимларнинг август ойидаги иш ҳақини қисқартиришга розилик ҳам билдиришмаган. Мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Э.Шерматов, касаба уюшма кўмитаси аъзолари Н.Ёшбоев, М.Шерматов, М.Боймуродовлар ҳам йиғилишда қатнашмаганларини, баённомадаги имзолар қалбаки эканлигини айтишди.

Яқуний ҳулосага кўра, мактаб касаба уюшма кўмитасининг ўша баённомаси сохта деб топилди. Шунга кўра, туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими ҳамда мактаб маъмуриятига Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Узун туман кенгаши томонидан тегишли тартибда тақдимнома киритилди. Натижада мактабнинг 20 нафар ходимига қисқартирилган қарийб 5 миллион 611 минг сўмлик иш ҳақлари тўлаб берилди.

Зайниддин ШЕРАЛИЕВ,

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Узун тумани кенгаши раиси

2

Ishonch

DAVR

Bugunning chorasini ko'rib, ertaga ehtiyoji qolmagan kishi aqlidir.

Abu Rayhon Beruniy

2024-YIL 17-APREL,
CHORSHANBA
№ 48 (4956)

АМАЛИЙ КЎМАК

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қорақалпоғистон кенгашининг бир гуруҳ масъуллари Элликқалъа туманидаги тармоқ ҳамда бошланғич ташкилот касаба уюшмаларига амалий ёрдам кўрсатишди. Шунингдек, фаолият давомида аниқланган хато-камчиликларни бартараф қилиш чораларига оид ўқув-семинар ҳам уюштирилди.

Иштирокчилар касаба уюшма ташкилотлари ишларини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, ҳужжатларни расмийлаштириш, жамоа шартномаларини қабул қилиш, меҳнат муҳофазаси масалалари, мурожатлар билан ишлаш, маданий-маърифий ва спорт тадбирларини ташкил қилиш, маблағлардан мақсадли фойдаланиш каби қатор масалалар юзасидан батафсил тушунчаларга эга бўлишди.

Икки кунлик семинарда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қорақалпоғистон кенгаши раиси Улуғбек Жалменов, Элликқалъа тумани ҳо-

кими ўринбосари Усмонбек Ражапбоев қатнашди. – Мазкур анжуман соҳа ривожини янада такомиллаштириш ҳамда галдаги ишларимизни самарали ташкил қилишда ўзига хос маҳорат мактабини ўтайди, – деди касаба уюшмалари фаоли Х.Мўминов.

Тадбир давомида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Фотима АБДУРАИМОВА
«ISHONCH»

САХОВАТ – БЕМИННАТ НАЗР

Кимё ва фармацевтика sanoati ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан Тошкент вилояти Янгийўл туманида жойлашган 1-мактабда бир қатор тадбирлар уюштирилди.

Мактаб фондига фойдаланиш учун «Саховат – беминнат назр» шиори остида нусха кўчириш ускунаси, компьютер жамланмаси, Конституция, Меҳнат кодекси, шунингдек, бадий асар-

лар тўплами беғараз ёрдам сифатида тақдим этилди.

Шундан сўнг тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши мутахассислари, ўқитувчи ва ўқувчилар иштиро-

кида «Жаҳолатга қарши маърифат» деган ғоя асосида жадиличлик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини ўрғанишга қаратилган давра суҳбати ўтказилди. Унда мутахассислар ёшларга бугунги кунда юртимизда олиб борилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини ҳаётий мисоллар билан тушунтириб беришди. Жадиличлик ҳаракати, унинг тарихи ва жадида аждодларимиз олиб борган фаолиятлари ҳам барчада катта қизиқиш уйғотди.

Тадбирда ўқувчилар ўзлари тайёрлаган бадий чиқишларини намойиш қилишди.

Шавкат ТОИРОВ,
Кимё ва фармацевтика sanoati ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

– Президентимиз томонидан «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган вазифалар кўлами белгилаб берилди, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши раиси Сўҳроб Рафиқов. – Ҳар бир ташкилот, идора ва мутасаддилар олдида аниқ вазифалар қўйилган. Эндиликда ҳисобот учун дарахт экиш, кўкармади қабилидаги кўзбўйамачиликларга асло йўл қўйилмайди. Ерга қадалган ҳар бир ниҳол электрон платформага киритилиб, жавобгарлик белгилаб қўйилган.

ТАШАББУСЛАР ҚУЛОЧ ЁЙМОҚДА

Маълумки, «Яшил макон» доирасидаги ишларнинг самарадорлигини илғашимиз сал қийинроқ кечмоқда. Хусусан, ўтган йили ҳам миллионлаб кўчатлар ўтказилди, аммо...

Жорий йилда ҳам вилоятда 10 миллион 208 минг тупдан ортиқ мева ва манзарали кўчат, бутта ва қаламчалар экиш ҳаракати ниҳойланаётир. Вилоят экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси томонидан салкам 9 миллион тупга яқин экилган кўчатлар электрон платформага киритилган.

– Вилоятимизда боғ яратишда «Яшил боғ», «Яшил белбоғ», «Ҳокимлик боғи» каби ташаббуслар кенг қулоч ёйдирилди, – дейди эколог Ориф Мизамов. – Айни чоғда 7 та туман ва шаҳарда 28,4 гектар майдонда «Яшил боғ» барпо этиш ишларига киришилди. Шунингдек, ҳудудда атроф-муҳитга таъсир кўрсатаётган 58 та sanoat корхонаси томонидан 75 минг туп кўчат ўтказилиб, «Яшил белбоғ» яратиш ишлари бошланган. Ушбу корхоналар томонидан айни вақтда салкам 50 минг тупга яқин кўчат экилди.

Пастдарғом ва Нарпай туманлари ҳокимликлари томонидан мингга яқин дарахт кўчати ўтказилиб, «Ҳокимлик боғи» яратишнинг тамал тоши қўйилди. Вилоятдаги 16 та туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан 34 та ана шундай боғ яратиш тараддули кўрилмоқда.

Мутахассислар йил якунига қадар 64,15 гектар майдонда «Яшил жамоат парклари» ташкил этилишини билдиришмоқда.

ЖУРНАЛИСТЛАР БОҒИ ЯШНАГАЙ

Журналистлар азалдан осонни кўзламайди. Боғ яратиш ташаббусига қўшилган вилоят ижод аҳли «тайёр ошга баковуллик» қилишни истамади. Айтмоқчи бўлганимиз, улар текис, бўз ердан воз кечишди. Елкасига кетмонни олиб, илҳом берадиган адирликлар сари интилди. Самарқанд тумани ҳокимлиги томонидан ижодкорларга 1 гектар лалмикор ер ажратилди.

– Вилоятда қалам тебратаётган юз нафардан ортиқ журналист ва блогерлар яйдоқ далага 500 тупдан ортиқ кўчат ўтказишди, – дейди Ўзбекистон журналистлар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Акрам Ҳайдаров. – Мутахассислар маслаҳати билан ушбу майдонга асосан сувсизликка чидамли, юқори унвучанликка эга кўчатлар экилди.

Айтганча, журналистлар боғида қудук қазиб, томчилатиб сўғориш тизимига кўмаклашишни ўз зиммасига оладиган ҳомийлар борлиги кишини янада қувонтиради.

ЁШЛАР УЧУН ҲАМ ЗАВҚЛИ ЮМУШ

Лойиҳа ижросига вилоят ёшлари ҳам жиддий қиришган. Жойларда улар томонидан 12 минг 180 тупдан зиёд мева ва манзарали дарахт кўчати ўтказилди. Бу жараёнда волонтерлар ва фаол ёшлар ташаббус кўрсатишмоқда. Айниқса, Жомбой туманининг «Зарафшон» маҳалласида ёшлар томонидан 600 тупдан зиёд кўчат ўтказилди. Келгусида ушбу маскани «Ёшлар боғи»га айлантириш режалаштириляётир.

– Ёшлар ишлари агентлиги ва касаба уюшмалари ўртасида узвий алоқа-

лар ўрнатилган. Ижтимоий шериклик асосида ёш авлоднинг интилишлари ва қизиқишлари қаноатлантирилиб келинмоқда, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши раисининг ёшлар ишлари бўйича маслаҳатчиси Ферузбек Раззоқов. – Яқинда Самарқанд давлат университети, Тиббиёт университети ва бошқа қатор олийгоҳларда таҳсил олаётган талабалар билан касаба уюшмалари учрашувини ташкил этдик. Олийгоҳларда таҳсил олаётган иқтидорли талабалар ва бир гуруҳ фаоллар Хоразмга уч кунлик бепул саёҳат қилиш имконини берувчи сертификатларга эга бўлишди.

БУ ШУНЧАКИ ИШ ЭМАС

Самарқандда сўнгги ҳисоб-китобларга қараганда, ўрмон ва бутазорлар, яшиллик майдони ҳажми 2703,5 гектарга кенгайган. Аммо хали суюнашга эрта. Негаки, атроф-муҳитга олов, чанг пуркаб, ҳавони зарарли моддалар билан тўйинтираётган корхоналар бор. Ўтган йили 20 та, жорий йилда эса 10 та ана шундай корхонага чанг ва газни ушлаб қолувчи филтрлар ўрнатилди. Натижада атмосферага йўналаётган «ташлама»лар бироз камайди. Лекин ҳали чиқиндини қайта ишлашни дунё даражасига олиб чиқиш, «Нол чиқинди» тамойили доирасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар талайгина.

Атроф-муҳит муҳофазаси йўналишидаги барча юмушлар кечиктириб бўлмайдиган иш. Шундай экан, айни чоғда ҳаракатларни уйғунлаштириш зарур.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

ҚИЛИНГАН ВА ҚИЛИНАЖАК ИШЛАР ТАҲЛИЛИ

Қарши шаҳар ободонлаштириш бошқармасида амалдаги жамоа шартномасининг 2023 йилда бажарилиши, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимояси масалалари муҳокама қилинди.

920 нафар ходим меҳнат қиладиган жамоада иш берувчи ҳамда касаба уюшма кўмитасининг ижтимоий шериклиги ҳар жабҳада кўзга ташланмоқда. Бу ҳақда эшитилган ҳисоботларда ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди. Касаба уюшма кўмитаси раиси Фахриддин Эшпазаровнинг эътирофи этишича, ўтган йили 11 нафар ходимга саломатлигини мустаҳкамлаш учун республикамизнинг энг яхши сihatтоҳларига йўланмалар берилди. Соҳа фидойиси Абдусалим Шовриқовга «Чортоқ» санаторийсига бепул йўллама топширилди.

Шунингдек, бошқармада «Касаба уюшмалари – спорт тарғиботчиси!» шиори остида қатор мусобақалар ташкил этилди. Қолаверса, спортни оммалаштириш учун 5 нафар ходимга «Насаф» жамоаси ўйинларига бир йиллик чипта тақдим қилинди. Ходимларнинг 31 нафар фарзанди Яккабоғдаги «Саёҳатчи» оромгоҳида дам олдирилди. Ишчиларни республикамизнинг тарихий қадамжолари билан яқиндан таништириш ҳамда мазмунли дам олдириш мақсадида Хива, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларига саёҳатлар уюштирилди. Касаба уюшма кўмитаси томонидан эҳтиёжманд ходимларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 14 миллион 315 минг сўм миқдорида моддий ёрдам ҳамда 5 миллион 820 минг сўмлик рағбатлантириш пуллари берилди. Юбилей саналарини нишонлаган икки нафар ходим эсдалик совғалари билан сийланди. Шунингдек, «Кексалар ҳафталиги» доирасида ҳам фахрийларга эҳтиром кўрсатилди.

Йиғилишда ходимларнинг меҳнат шароитларини янада яхшилаш юзасидан таклиф-мулохазалар билдирилди. Муҳокамада Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят бирлашган кўмитаси раиси Илҳом Омонов энг заҳматли касб эгалари ҳисобланган ободонлаштириш ходимларини янада қўллаб-қувватлаш зарурлигини, ҳар бир хизматчи локал ҳужжатда белгиланган имтиёزلардан баҳраманд бўлиши шартлигини эслатиб ўтди.

Ақмал АБДИЕВ
«ISHONCH»

«Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси – амалда

УЙҒУН ҲАРАКАТЛАР ҲОСИЛ БЕРАЖАК

Ғуборли, чангли об-ҳаво Самарқанд қопқаларини ҳам черта бошлади. Ўтган йилги чангли тўфоннинг миноралар аро сузгани, боғ-гулзорларда ўз изини қолдирган жиддий мушоҳада юритишга ундайди. Табиатнинг қалтис «ҳазили»дан ҳулоса чиқарган диёр аҳли муҳим фурсатларни бой бермаслик истигаида энг шимармоқда.

